

ОҚСИЛ ГИДРОЛИЗАТИНИ БУЗОҚЛАРНИНГ ЮҚУМСИЗ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШДАГИ САМАРАДОРЛИГИ

М.Т. Исаев, О.У. Қўлдошев

Ветеринария илмий тадқиқот институти, Самарқанд, Ўзбекистон

Аннотация: Ушбу мақолада қорамол қонидан ферментлар ёрдамида оқсил гидролизлари тайёрланди. Лаборатория шароитида бузоқларнинг бронхопневмония касалликларини даволаш самарадорлиги ўрганилиб, ижобий натижаларга эришилди.

Калит сўзлар: – оқсил гидролизати, респиратор, ошқозон-ичак, аминокислоталар, бронхит, фермент, парентерал, витаминлар, гормонлар, бузоқлар, қон.

EFFECTIVENESS OF PROTEIN HYDROLYSE IN THE TREATMENT OF NON-COMMUNICATIVE DISEASES OF CALFS

M.T.Isaev, O.U.Kuldoshev

*Scientific Research Institute of Veterinary
Samarkand, Uzbekistan*

Annotation: By means of ferments from the bloods of cattle it was prepared the protein enzymatic hydrolyses. It was studied the efficacy of its curing of bronchopneumonia of calves in the condition of laboratory and processing and taken a positive result.

Keywords: protein hydrolyzate, respiratory, gastrointestinal, amino acids, bronchitis, enzymes, parenteral, vitamins, hormones, calves, blood.

ЭФФЕКТИВНОСТЬ ГИДРОЛИЗАТА БЕЛКА ПРИ ЛЕЧЕНИИ НЕЗАРАЗНЫХ БОЛЕЗНЕЙ ТЕЛЯТ

М.Т.Исаев, О.Ю.Кулдошев

*Научно-исследовательский институт ветеринарии
Самарканд, Узбекистан*

Аннотация: В этой статье представлены сведения о приготовлении белкового гидролизата из ферментов крупного рогатого скота. Изучена эффективность ферментативных гидролизатов при бронхопневмонии телят при котором получены положительные результаты.

Ключевые слова: – белковый гидролизат, респираторный, желудочно-кишечный тракт, аминокислоты, бронхит, ферменты, парентеральное введение, витамины, гормоны, телята, кровь.

Асослаш

Фермер хўжаликларида пода таркибини соғлом моллар билан тўлдириш бузоқларни соғлом ҳолда юқори сифатли замонавий илмий технология асосида ветеринария-санитария тадбирларини ташкил этиш, юқумсиз касалликларни даволаш ва олдини технологияси фермер хўжаликлари шароитида етарлича ишлаб чиқарилмаган.

Маълумки қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг юқумсиз касалликлари бу муаммоларни самарали ҳал этишга катта тўсқинлик қилмоқда. Бу касалликлар орасида қорамолларнинг респиратор органлари касалликлари салмоқли ўринни эгаллайди.

Бу касалликлар кўпинча бузоқларнинг ошқозон-ичак (диспепсия, гастроэнтероколит) ва нафас олиш йўллари (бронхит) шаклларида учрайди. Маълумки ҳайвонларнинг юқумсиз касалликларини ташкил қилишда парентерал озиклантириш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу мақсадда оксил гидролизатларини парентерал йўл билан юбориш катта ижобий самара беради. Шунинг учун бузоқларнинг юқумсиз касалликларини даволашда қўшимча омил сифатида оксил моддаларидан фойдаланиш усулларини ишлаб чиқиш долзарб бўлиб, катта илмий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Тадқиқотларнинг мақсади

Бузоқларнинг юқумсиз касалликларини даволашда, самарадорлиги юқори бўлган, бажарилиши қулай, маҳаллий хомашё воситалардан тайёрланган тўқима препаратини ишлаб чиқиш.

Қорамоллар қони асосида тайёрланган оксил гидролизатининг бузоқларнинг юқумсиз касалликларини даволашдаги самарадорлигини ўрганиш тадқиқотнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Текшириш усуллари

Адабиёт манбаъларидан маълумки оксил етишмаслиги натижасида организмда витаминлар, гормонлар ва бошқа муҳим моддаларнинг синтезланиши пасаяди. (Васильев П.С., 1973; Масум-заде К.К., Берестов В.А., 1989; Хаитов Р.Х., 2004; Боймуродов Т.Б., 2004; ва бошқалар).

Ферментларнинг нақадар катта рол ўйнашини рус олими И.П. Павлов қуйидагича тарифлаган: "Фермент – барча тирик мавжудотлар таркибида ўтадиган кимиявий реакцияларнинг қўзғатувчисидир".

Аммо табиий ҳолдаги қонни оксил манбайи сифатида парентерал йўл билан юбориш баъзан ҳайвон организми томонидан салбий реакцияларни пайдо бўлишига сабаб бўлади. Қоннинг бу салбий хусусиятларини йўқотишга оксилларни гидролиз қилиш йўли билан эришилади. Оксилларни гидролизлаш уч усулда олиб борилади.

1. Оксилларни кислота эритмаларида қайнатиш натижасида гидролиз маҳсулоти олинади. Бу усул жуда оддий бўлиб, гидролизатнинг бактериялар билан ифлосланишига йўл қўйилмайди. Аммо бу усулда организм учун энг муҳим бўлган аминокислоталардан бири триптофан парчаланиб кетади.

2. Оксилларни ишқорлар ёрдамида гидролизлаш. Бу усул жараёнида цистин, цистеин ва аргинин бутунлай парчаланиб кетади. Шунинг учун бу усул амалиётида қўлланилмайди.

Биз ўз тадқиқотларимизда учунчи, оксилларни ферментлар ёрдамида гидролизлаш усулидан фойдаландик. Бу усулнинг устунлиги шундан иборатки ферментация жараёнида аминокислоталар парчаланиб кетмайди. Биз гидролизлаш жараёнини юкумсиз касалликлар ва токсикология лабораториясида ишлаб чиқдик ва юкумсиз касалликларни даволашда қўлладик.

Олинган натижалар

Тажрибалар дастлаб 10 бош ошқозон ичак ва юкумсиз касалликларга чалинган бузоқларда гидролизатни тахминий самарадор дозалари аниқланди. Шундан кейин асосий тажрибалар 10 бош касал бузоқларда олиб борилди. Уларнинг 4 бошида ич кетиш 6 бошида ич кетиш билан биргаликда бурундан суюқлик оқиши ва йўтал белгилари кузатилди.

Гидролизатни бузоқларнинг мускул орасига 20 мл дан ҳар куни бир марта юбордик. Препаратни 3 марта юборгач бузоқларнинг аҳволи бироз енгиллашди, аммо уларда йўталиш давом этди. Препаратни 4 – чи марта юборгач 3 бош бузоқда ич кетиш тўхтади. Гидролизатни 5-6 марта юборгач фақат ошқозон-ичак касалликларига чалинган бузоқларда иштаҳа яхшиланди ва соғайиб кетди. Аммо нафас олиш, ошқозон ичак аралаш касалликларига чалинган бузоқларнинг 2 бошида бироз йўталиш ва бурнидан суюқлик оқиш давом этди. Уларга хўжаликда бўлган қўшимча дори воситалари қўлланди. Шундан кейин улар тузалиб кетди.

Тажрибадаги бузоқлардан тажриба бошида ва ҳар 5 кунда қон олиниб, даволаш жараёнида гематологик ва биохимик текширишлар олиб бордик.

Уларнинг қонида эритроцитлар сони 9-11 фоизга, лейкоцитлар сони 5-6 фоизга ва гемоглобин 13 фоизгача кўтарилди. Тажрибадаги бузоқлар қон зардобининг бактерицид фаоллиги 15-22 фоизга, лизоцим фаоллиги эса 20-28 фоизга кўпайди.

Олинган натижаларга асосланиб 2015–2021 йиллар давомида гидролизатнинг самарадорлиги Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах, Новий ва Бухоро вилоятларнинг қатор фермер хўжаликларида 400 бошдан ортиқ касалланган бузоқларни даволашда синаб кўрилди ва ижобий натижа олинди.

Хулосалар

1. Оксил гидролизатини қўллаш юкумсиз, ошқозон-ичак ва нафас олиш йўллари касалликларига чалинган бузоқлар организмида модда алмашинуви ва норасмий иммунобиологик ҳолатини яхшиланишига олиб келади.

2. Оксил гидролизатини 5-7 марта қўллаш бузоқларнинг нафас олиш ва ошқозон – ичак йўллари касалликларини даволашда ижобий таъсир қилади, самарадорлик 80 фоизгача етади.

Адабиётлар рўйхати

1. Васильев П.С. Современное состояние проблемы парентерального белкового питания. Москва, 1973 г.

2. Мавсум –заде К.К, Берестов В.А. Гидролизаты белка в ветеринарии, Петрозаводск. 1989 г.

3. Хаитов Р.Х. Лечебная эффективность гидролизата белка при желудочно-кишечных болезнях телят незаразной этиологии Сб“Международная конференция, посвященная 100 – летию академика Полякова А.А” Москва 2004 г.

4. Гусигин И.А. Токсикология ядовитых растений. // Сельхозгиз, М. 1962 г.